Ушбу сонда:
2 БАХТ ҲАВОДА ЭСМАЙДИ — у меҳнат билан яратилади
3 Гиёҳвандлик — аср вабоси. ҒУБОР БОСГАН КЎЗЛАР
4 СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 10 март, жума № 42 (2091)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


*«Ташаббус — 2006»*

## ҲАБИБУЛЛАНИНГ ОМАДИ

***«Шукурдавлат» фермер хўжалиги нафақат Охунбобоев туманида, балки Фарғона вилоятида ҳам иқтисоди бақувват хўжалик саналади. Чорвачиликка ихтисослашган мазкур фермер хўжалигида 600 бош қорамол парваришланади.***

Бу йил тендер асосида қўшимча 105 гектар ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритган хўжалик раҳбари Ҳабибулла Сайдалиев пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланишни ҳам режалаштириб қўйди. Айни пайтда 30 гектарда буғдой парваришланмоқда. Баҳорги агротехник тадбирлар авжида. Фермер хўжалигида сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех ҳам ишлаб турибди. Фарғонада «Шукурдавлат» тамғаси туширилган маҳсулотларга талаб тобра ошиб боряпти. 12 киши меҳнат қиладиган цехда йилига 400 тонна сут қайта ишланмоқда.

Тадбиркорлик билан иш тутиб, улкан ютуқларга эришаётган фермер хўжалиги бу йил Президентимиз совринини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2006» кўрик- танловининг вилоят босқичида «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича ғолиб чиқиб, мамлакат босқичига йўл олди.

*Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари*



# ЁРҚИНОЙ

***Фарзанди камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Шогирди ютуқларининг гувоҳи бўлиш устоз учун буюк саодат. Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 11- ихтисослашган лицей ўқувчиси Ёрқиной Эрназарова билан нафақат ота-оналари, ўқитувчилари, балки тенгқур-дугоналари фахрлансалар арзийди. Боиси у Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан иқтидорли қизларни қўллаб- қувватлаш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2006 йилдаги совриндори бўлди.***

...Бундан ўн олти йил муқаддам Оллаберган оға ва Адолат опа хонадонида илк фарзанд дунёга келганида унга ҳаёт йўли, истиқболи ёруғ, иқболи баланд бўлсин деб «Ёрқиной» исмини қўйган эдилар. Дарҳақиқат, табиатан зийрак, чаққон, топқир қизча мактабга бормасиданоқ ёзув-чизув, ҳисобни ўрганиб олган эди. Энг севимли машғулоти эса маҳалладаги тенгдошлари иштирокидаги «мактаб-мактаб» ўйини. «Муаллима опа» ҳам Ёрқинойнинг ўзи.

Биринчи синфга ҳали етти ёшга тўлмай борган қиз зийраклиги, ҳозиржавоблиги, қувноқлиги билан муаллимлар эътиборига тушди. Мактабдаги байрам тадбирлари, кўрик-танловлар, адабий-мусиқий кечалар Ёрқинойнинг иштирокисиз ўтмайдиган бўлди.

Унинг отаси - «Остона» қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла раиси, онаси - туман шифохонасининг реанимация бўлимида ҳамшира бўлиб ишлайди. Улар қизларида адабиёт, рақс, мусиқа ва айни пайтда теннисга бўлган қизиқишни эрта пайқадилар. Қизчанинг истеъдод қирралари юзага чиқиши учун барча шароитни муҳайё этишга уриндилар. Ёрқиной эса аъло баҳоларга ўқиши билан бирга, ўзи қизиққан йўналишлардаги тўгаракларга қатнаб чарчамади.

Адолат опанинг айтишича, қизидаги барча эзгу фазилатларнинг шаклланишида адабиётнинг ўрни катта бўлган. «Қалб садоси», «Хаёл қуши» каби шеърий тўпламлари чоп этилганида, ота-онаси Ёрқинойнинг адабиётга меҳри шунчаки қизиқиш эмаслигини англадилар. Негаки, Ёрқиной она тили ва адабиёт фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг барча босқичларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили ёш қаламкашларнинг «Нафосат» танловида ғолибликни қўлга киритди.

Инглиз, рус, турк тилларини яхши ўрганган Ёрқиной лицейни тамомлагач, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси бўлмоқчи. Орзуси - инглиз тили ўқитувчиси бўлиш.

- Мамлакатимизда биз, ёшларнинг ҳар томонлама пухта ва мукаммал билим эгаллаши, истеъдодининг юзага чиқиши учун барча шароит муҳайё, - дейди Ё.Эрназарова.- Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилишим Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар бир иқтидор соҳибига кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигининг яна бир ёрқин намунасидир. Бундай юксак мукофотга сазовор бўлишимда менга таълим-тарбия берган заҳматкаш ва фидойи устозларимнинг меҳнати, хизматлари каттадир. Билдирилган ана шу ишончни оқлашга, ўзимнинг бор билимим ва меҳнатимни она-Ватанимиз тараққиёти йўлида сарфлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Ёрқинойнинг ёрқин орзулари амалга ошишига биз ҳам тилакдошмиз!

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Касаба уюшма ўқувлари*

# ҲУҚУҚ-КАФОЛАТ МЕЪЁРИ

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида ҳуқуқий онг ва тафаккурни юксалтириш, ҳуқуқий билимларни оширишга алоҳида эътибор қаратилганди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган ўқув-семинари ана шу мавзуга бағишланди.***

Қонун ҳаётимиз меъёри. Шу боис ҳам унга суяниб-таяниб фаолият юритишга интиламиз. Ҳақ-ҳуқларимиз кафолатланса-да, баъзи ҳолларда азият чекиб қолишга тўғри келади. Негаки, ҳуқуқий савод, тафаккурдаги ноқислик, ўқиб ўрганишдаги ялқовлигимиз панд бераётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Тан олиш жоиз, баъзи масалалар ечимини топишда касаба уюшма етакчилари ҳам оқсаб қолаяпти. Ҳуқуқий соҳадаги билимлар саёзлиги ҳимояда дадил туриш имконини бермаяпти. Мана оддий бир мисол. 2005 йилда Сирдарё вилоят фуқаролик судларида меҳнат низоларини бартараф этиш юзасидан 1050 та мурожаатлар кўриб чиқилган. 41 нафар фуқаро эса иш берувчилар томонидан ноҳақ ишдан бўшатиб юборилганлигидан шикоят қилишган. Энг ачинарли томони, бундай қоидабузарлик илгариги йилларга қараганда анча ошган.

Бу масалада кишини ўйлантирадиган баъзи жиҳатлар бор. Чунончи, қонун бузилишидан азият чеккан фуқаролар оворагарчиликлари олдини олиш мумкинмиди? Нега масала жойида ечилмасдан чуқурлашиб кетди? Судга қадар бўлган муайян поғоналар фаолиятидаги фалажлик ташвишларга сабаб бўлмаяптимикин? Меҳнат жамоалари мутасадди раҳбарлари, қолаверса касаба уюшма ташкилотлари қаёққа қарашди? Уларнинг бу борадаги қонунларни билиш даражаси қандай? Семинар -ўқувдан кўзланган мақсад ана шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш, қуйи касаба уюшма ташкилотларининг билимларини оширишга қаратилди.

Меҳнат муносабатларига оид меъёрий ҳужжатлар ва уларни амалиётда қўллаш тартиблари тўғрисида кенг тушунча берилди. Бошланғич ташкилотлар етакчиларининг кундалик иш ва турмуш шароитида учраётган турли муаммоларни ҳал этиш юзасидан туғилган саволларга жавоб қайтарилди. Ошкора мулоқотда касаба уюшма ташкилотининг қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ижросидаги иштироки хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар ўртоқлашилди.

— Семинар-ўқув жамоат ташкилоти вакилларига кўп нарса берди, - дейди Марказий кенгашнинг Сирдарё вилоятидаги вакили Алишер Тожиев. — Тармоқ ташкилотларида меҳнат муносабатлари меъёрларига риоя этмаслик ҳолатлари мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Эндиликда ана шундай вазиятда касаба уюшмаси қандай иш тутиши тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

***Навоий вилоятида Дашт-Нагорний канали қурилиши бошланди. 12,8 чақирим узунликдаги канал қурилишини «Навоий сув таъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширмоқда.***

*Канал қурилишини келгуси йилнинг вегетация давригача тугаллаш режалаштирилган. У ишга тушгач, Навоий шаҳри, Бунёдкор, Тинчлик қўрғонлари ва Кармана туманидан 1,5 минг гектар экинзорларнинг сув таъминоти яхшиланади.*

*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди*

# ОРОЛБЎЙИ ЗАРДЎЗЛАРИ

***Таъкидланганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси нафақат юртимиз халқ хўжалиги ўсиш суръатларини жадаллаштириш, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутади.***

151 мингдан ортиқ киши истиқомат қилаётган Беруний туманида иш ўринларига талаб катта. "Бандлик" дастурига мувофиқ туманда 1500 дан зиёд иш ўринлари яратилиб, ўнлаб кичик корхона ва микрофирмалар, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлади. Юқоридаги йиғилишда кўрсатиб ўтилганидек, янги микрофирмаларнинг ташкил қилиниши, оилавий бизнес ва кичик, хусусий корхоналарнинг ривожлантирилиши, микрокредитлар тизимларининг рағбатлантирилиши 10 минглаб кишиларни, айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилалар даромадини кўпайтириш, фуқаролар фаровонлигини ошириш имкониятини яратади.

— Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганидан сўнг мингдан зиёд аёл муқим иш ўринларига эга бўлди, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Пошшахон Қодирова. — Айниқса, хотин-қизлар касаначилик меҳнатига кенг жалб этилаётганлиги самара бермоқда.

Берунийлик Маути Ужанованинг касби ўқитувчилик. Чорак аср мобайнида ёшларга таълим-тарбия бериб, юзлаб иқтидорли шогирдлар тайёрлади. Нафақага чиққанидан сўнг бекор турмай, хайрли ишга қўл урди. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг аҳамиятини тўғри тушуниб етган қишлоқ аёли бундан олти йил муқаддам бухороча зардўзлик усулига мослаштирилган "Қали қизи Маути" хусусий фирмасини ташкил этди.

Илк бор беш нафар маҳаллий қизларни танлаб олиб, Бухородан зардўз чеварларни чақиртириб, ўқитди. Бу касбга қизиқувчилар сони кўпайиб, 10 нафарга етди. Кўп ўтмай фирма ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олди. Қўшимча ускуналар келтирилиб, тикувчилик цехи очилди. Тумандлараро насос станциялари бошқармаси, Марказий касалхона ва бошқа ташкилот, муассасалар учун кўрпа-тўшаклар, ёстиқ жилдлари тайёрлаб берилди.

(Давоми 2-бетда)

# ТИНГЛОВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

***Касаба уюшмалари фаолиятини кучайтириш ва уни омма манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳақиқий таянч ташкилотга айлантиришда бошланғич касаба уюшма ташкилотларини мавқеини ошириш ниҳоятда муҳим. Фаоллар қанчалик етук ва ишчан бўлса, уюшма аъзолари бундан шунчалик кўп манфаатдор бўлади.***

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Хоразм вилоят Кенгаши жорий йил иш режасига бошланғич касаба уюшма фаолларидан 300 нафарини ўқитишни режалаштирган. Шунингдек, кенгаш томонидан йиллик режа асосида мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари бирлашган касаба уюшма қўмиталари раислари ўқув-машғулоти дастури ишлаб чиқилган. Йил давомида машғулот Урганч Давлат университети санаторий-профилакторийсида ўтказилади. Аҳамиятли томони шундаки, бу машғулотларда малака ошираётган касаба уюшма фаолларини бепул овқатлантириш ташкил қилиниши билан бир қаторда уларнинг ўз соғлиқларини тиклашлари учун ҳам имконият яратиб берилмоқда.

– Семинар машғулотларига узоқ туманлардан қатнаш азобидан халос бўлдик. Ўқиш билан биргаликда маданий ҳордиқ чиқариб даволандик. Ҳар куни сиҳатгоҳ клубида янги фильмлар намойиш қилинди, – дейди Ҳазорасп туманилик Аҳмед Жуманиёзов.

Фаоллар ўқувида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг етук мутахассислари ва Урганч Давлат университетининг олимлари маърузалар ўқимоқдалар. Уни тамомлаганларга вилоят кенгашининг сертификати берилди.

**Эркин ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# АСР ҚУРИЛИШИ

***Сурхон воҳаси, деганда дарҳол кўз олдимизда жануб қуёши ва айни пайтда ёзда ҳам қори кетмайдиган баланд тоғлар, шарқираб оқадиган зилол сувлар намоён бўлади. Айниқса, бу гўшанинг унумдорлигини айтмайсизми, ерга чўп қадасангиз ўсиб чиқади. Табиатининг ўзига хослиги боис юртимиз бозорлари пештоқига шу заминда етиштирилган маҳсулотлар биринчи бўлиб етиб боради.***

Яна минглаб гектарлар сувсираб ётибди. Шу маънода "ТўпалангсувГЭСқурилиш" масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилаётган Тўпаланг сув омбори ва ГЭС қурилишининг воҳа деҳқончилиги учун аҳамияти беқиёс.

Ҳисор тоғлари орасида бунёд этилаётган улкан қурилишда бугун ҳаёт қайнайди. Эзгу мақсад сари тўғри йўналтира билинса, эл монолит кучга айланишини биз шу ерда кўрдик. Булдозерларнинг наъраси қулоқни қоматга келтиради. Улкан БелАЗ юк ташувчи машиналари тинимсиз қатнаб, юқорига кўтарилиб тўғон тепасига тош ташимоқда. Улкан тоғ қоясини эслатувчи тўғон тобора кўкка бўй чўзмоқда.

— Бугунги кунгача унинг баландлиги 115 метрга етди, — дейди бошқарув раиси Абдуғани Сангинов. — Агар лойиҳа бўйича тўлиқ ишларимизни амалга оширсак, тўғон баландлиги 187 метрга етади. Ўшанда омборда 500 миллион метр куб сув йиғишга имкон бўлади. Бу Сурхон воҳасида 25 минг 700 гектар янги ер ўзлаштиришига йўл очиб берса, яна 102 минг гектар ерларни сув билан таъминлашни янада яхшилашга олиб келади. Иш суръати эса кундан-кунга жадаллашиб бормоқда. Ўтган йили 6 миллиард 340 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. ГЭС қурилиши эса бундан-да юқори савияда олиб борилмоқда., Бу ерда салкам 8 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Бободеҳқон учун арзон электр энергияси сув билан ҳаводек ўта зарур. Воҳада минглаб гектар ерлар насослар орқали суғорилади. У асосан электр билан ишлайди. Агарда юқоридаги қурилиш ишга туширилса, 514 миллион КВТ электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса минглаб хонадонларни чароғон этса, яна минглаб деҳқонларни даромадига-даромад қўшади. Шу кунларда 15 МВТ қувватига эга 2 та агрегат ишга туширилиш арафасида турибди.

Аср иншоотида 1647 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Улар учун етарли шарт-шароитлар муҳайё этилган. Айниқса, жамият касаба уюшмасининг саъй-ҳаракати билан кейинги



йилларда ишловчиларга қулай шароит яратиш, меҳнат муҳофазасига оғишмай амал қилиш, қонунда белгиланган кафолат ва имтиёзларни яратишга эътибор янада кучайтирилди. Ойлик маошлар муттасил равишда ортиб бормоқда.

Бу ерда ҳайдовчи Муродали Иброгимов, экскаваторчилар Холбой Бобоев, Сафарали Рўзиевлар, булдозерчи Айниддин Саломов номларини фахрланиб тилга олишади. Уларнинг йиллар давомида орттирган бой тажрибалари айниқса ёшларга асқотмоқда.

Жамоа шартномасига кўра ишловчиларнинг барчаси кийим-бош билан тўлиқ таъминланган. Бу ишга 50 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Бундан ташқари, ходимлар тиббий кўрикдан ҳар олти ойда бепул ўтказилмоқда. Ишловчиларнинг 300 нафардан ошиқ фарзандлари "Хонжиза" болалар оромгоҳида дам олдирилган бўлса, 50 дан ортиқ ходим республикамизни турли санаторийларида ўз соғлиқларини тиклашди.

Жамият Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бир қанча хайрли ва савобли ишларни амалга оширишни ўз зиммасига олган. Сариосиё туман марказий касалхонасини таъмирлаш, "Фарҳод" мурувват уйига доимий ёрдам кўрсатиш, корхона қошидаги тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, тумандаги 6 та ўрта таълим мактабини таъмирлашга кўмаклашиш каби юмушлар шулар жумласидандир.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ўзбекистон — Ватаним маним*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***9 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси А.Зиё иккинчи ўқишда тақдим қилди. Савол-жавоблардан кейин сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирокида қонун лойиҳаси моддама-модда муҳокама этилди.

Ҳужжатнинг батафсил муҳокамаси чоғида қонун лойиҳасининг мақсади, асосий тушунчалари ва бошқа нормаларига аниқликлар киритилди. Қонун лойиҳасида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси, объекти, уни муҳофаза қилиш белгилари, муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни қонунчилик йўли билан таъминлашга боғлиқ бошқа талаблар аниқ белгилаб берилган.

Қонун лойиҳасининг алоҳида боби муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясига бағишланган. Унда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг техника воситалари ҳамда усуллари назарда тутилган. Депутатлар ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида бу нормалар мазкур соҳадаги халқаро стандартларга тўлиқ мос келишини таъкидладилар.

Қонунчилик палатаси ҳужжатнинг муҳокамаси жараёнида билдирилган мулоҳазалар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

**(ЎзА)**

# ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ УЧУН

***Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Соф энергия. Энергия тежамкорлиги» мавзуида халқаро кўргазма-конференция очилди.***

Мамлакатимизда илк бор ташкил этилган мазкур тадбир International Exhibition Group Uzbekistan компанияси ва Технологиялар трансфери агентлиги кўмаги билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида энергия ресурслари, биринчи галда, кўп миқдорда энергия сарф этадиган тармоқлар - кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси каби соҳаларда тежамкорликни қатъият билан таъминлаш бўйича таъсирчан чора- тадбирларни амалга ошириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Бугунги кунда бутун дунёда энергия ресурсларининг танқислиги ва нархи мунтазам ошиб бораётгани сабабли энергия захираларидан унумли фойдаланиш, уларни тежаш ғоят долзарб вазифалардан бўлиб қолаётир. Ўзбекистон ўзини ўзи мустақил равишда энергия ресурслари билан тўла таъминлаётган кам сонли давлатлардандир. Аммо, бу мазкур ресурслар битмас-туганмас дегани эмас. Шу боис уларни асраб-авайлаш, бу борада ҳар қандай хўжасизлик ҳолатларига чек қўйиш зарур.

Кўргазмада мамлакатимиз ва хорижий компанияларнинг қайта тикланувчи энергия - қуёш энергетикаси, энергомосламалар, энергия тежамкорлиги, электр энергиясини қайта ҳосил қилиш ва аккумуляциялаш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминловчи ўлчов мосламалари каби йўналишларга оид янги техника ва технологиялари намойиш этилмоқда.

**(ЎзА)**

***Ўзбекистон билан чегарадош бўлган айрим давлатлар оммавий ахборот воситаларида Марказий Осиё мамлакатларида ҳам «парранда гриппи» тарқалгани тўғрисида ахборот пайдо бўлди. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Баҳтиёр Ниёзматовдан ушбу ахборотни шарҳлаб беришни илтимос қилди.***

## «ПАРРАНДА ГРИППИ»: ШОВ-ШУВГА ЎРИН ЙЎҚ

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан шуни расман айтишим мумкинки, ҳудудимизда айни пайтгача паррандалар орасида ҳам, одамлар орасида ҳам бирорта «парранда гриппи»га чалиниш ҳолати қайд этилгани йўқ,- деди Б.Ниёзматов. - Биз республикамиз ҳудудига ушбу «учар» инфекция кириб келишининг олдини олишга доир барча зарур чоралар кўрилаётганини ҳақида бир неча марта маълум қилган эдик. Касалликнинг асосий ташувчилари ҳисобланган ёввойи қушларнинг баҳорги кўчиш мавсуми бошланганига қарамай, ҳозирча ушбу вазифа муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Яна бир бор шуни таъкидлаш кераки, инфекциянинг ташқаридан кириб келишига йўл қўймаслик учун, Вазирлар Маҳкамасининг республикамиз ҳудудига касаллик рўйхатга олинган мамлакатлардан парранда гўштини олиб келишни вақтинчалик тақиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, у қатъий бажарилмоқда. Олиб келинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари устидан санитария-божхона назорати кучайтирилган, барча 96 та санитария-назорат пункти доимий тайёргарлик тартибида ишламоқда ва Ўзбекистонга келаётган барча фуқароларнинг соғлиғини синчковлик билан текширмоқда.

(Давоми 2-бетда)

***"Инсон ким бўлишидан қатъи назар меҳнат қилиши, терга ботиб ишлаши керак, унинг яшашдан мақсади, бахти ва ҳаяжонлари ҳам айни шу меҳнатда мужассамлашган", деган эди буюк адиб Чехов. У яна фикрини давом эттириб шуларни айтганди: "Шундай шароитда яшаш керакки, меҳнат заруратга айлансин. Меҳнатсиз соф ва қувноқ ҳаёт бўлиши мумкин эмас".***

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# БАХТ ҲАВОДА ЭСМАЙДИ

## у меҳнат билан яратилади

Дарҳақиқат, меҳнат инсонни улуғлайди. Дориломон турмуш тарзини шакллантиради. Рўзғор обод бўлади. Йўқчилик, муҳтожлик дахл қила олмайди. Инсон ўзи бажараётган ишни севмоғи, ундан ҳузур ва ҳаловат топмоғи жоиз. Ана шундагина меҳнат роҳатга айланади. Шунингдек, меҳнат қадрланган жойда инсон эъзоз топади. Пировардида иш сифати юксак, унумдорлик юқори бўлади. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида турли миллатга мансуб 5 минг 665 нафар киши ишлайди. Уларга корхона бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси томонидан яратилган шароит, имтиёзлар ибрат қилса арзигулик.

Жамоа ўртасида касаба уюшманинг ҳам, касабақўм Жўравой ака Хўжақуловнинг ҳам обрўси баланд. Жамоа шартномасида аввало ишчи-хизматчиларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш ҳуқуқларига эътибор қаратилганлиги, яъни зарур ҳимоя воситалари, махсус коржомалар, сут-қатиқ билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилганлиги кўзга ташланади. Шунингдек, оғир меҳнатига яраша ҳақ тўланаётгани, ижтимоий муҳофаза ҳуқуқий ҳужжатда ўз ифодасини топганлиги учун ҳам ишловчиларнинг ошиғи олчи. Ўртача ойлик маош 189 минг 900 сўмни ташкил этади. Корхонада муддати ўтган қарздорлик йўқ. Маош ҳар ой пешма-пеш бериб бориляпти. Йилнинг ҳар чорагида, байрамларда ва бошқа муносабатлар билан бериб борилаётган мукофот пуллари ишчи-хизматчиларнинг мушкулини осон, рўзғорини обод қилмоқда.

Фарғона НҚИЗ республикадаги йирик саноат корхоналаридан бири. Бу улкан даргоҳда иш уч сменада ташкил этилган. Ишчиларнинг бориб-келишлари учун автобус ажратилган. Иш жойлари ёруғ, шинам, саломатлик учун хавфли эмас. Дам олиш хоналари талабга тўла жавоб беради. Душ, технологик цехларда эса ҳатто сауналар ҳам бор. Кунига 3 маҳал арзонлаштирилган нархда иссиқ овқат тайёрлаш йўлга қўйилган. Тиббиёт шохобчаси доимий равишда илк ёрдамга шай этиб қўйилган.

Корхонада байрамлар байрамдек ўтказилмоқда. Файзли оқшомлар, тўкин дастурхонлар, совға-саломлар меҳнат аҳли ҳаётига сурур бағишламоқда. Афғонистон урушини кўрган 73 нафар байналмилалчи жангчи, 12 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, Чернобил АЭС изтиробини тортаётган 2 нафар инсон, 70 нафар I гуруҳ ногирони ва шунга ўхшаш барча ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар маъмурият, касаба уюшма қўмитаси диққат марказида. Жумладан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига соғлиқларини тиклашлари учун ойлик нафақасига 30 минг сўмдан қўшимча тўланмоқда. Касаба уюшмаси томонидан I ва II гуруҳ ногиронларига 108 та иссиқ одеял берилди. Шунингдек, яхши-ёмон кунларда уларнинг ҳолидан хабар олиниб, иззат-икром кўрсатилмоқда. Озиқ-овқат ва бошқа масалаларда қарашилмоқда. Жумладан, собиқ ишчи Лаура Черепанованинг ёрдамга муҳтожлигини эшитиб, иш берувчи ва касабақўм бамаслаҳат унга кўмаклашишга қарор қилди. Унинг уйига бориб, кўнгил сўралди. Ҳар ойнинг бешинчи куни бошқалар қатори унга ҳам гўшт, ёғ, гуруч, шакар ва шунга ўхшаш маҳсулот турлари олиб бориб бериладиган бўлди.

Шунингдек, оила қураётган ёшларга 200 минг сўмдан, агар келин-куёв шу ерда ишласа 400 минг сўм пул ва эсдалик совғаси тўёна қилинмоқда. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, ўтган йилнинг ўзида 133 нафар ёш йигит-қиз турмуш қурди. Улар учун эса корхона 26 миллион 600 минг сўм миқдорида маблағ ажратди.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Жумладан, 1-цех ишчиси Икромжон Алиев ўз уйида газ аппарати очиқ қолганлиги туфайли нобуд бўлди. Бахтсиз ҳодиса жамоани чуқур қайғуга солди. Оилага имкон даражасида кўмаклашилди. Шунинг билан бирга Икромжоннинг бева қолган рафиқаси ҳамда норасида фарзандига 198 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди ва бола балоғат ёшига етгунига қадар нафақа билан таъминланадиган, агар у ўқишини давом эттирса, талабалик йилларида ҳам корхона ҳисобидан кўмак бериладиган бўлди. Бундан ташқари, корхонада 573 нафар кам таъминланганлар рўйхатга олинган. Уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам чакки бўлаётгани йўқ. Жумладан, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун ҳар йили ўқув формаси корхона ҳисобидан олиб бериляпти.

Чунончи, ишчи-хизматчиларнинг саломатликларини асраш ёки уни тиклаш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб, бу масалага жиддий эътибор қаратиляпти. Жумладан, корхона тасарруфида 80 ўринли "Соғломлаштириш маркази" фаолият кўрсатяпти. Унда 4 нафар малакали шифокор, 13 нафар ҳамшира фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилаётир. Бундан ташқари, касаба уюшма қўмитасининг Фарғона вилоятидаги деярли барча тиббиёт масканлари билан тузган шартномаси бўлиб, ўтган йили 767 нафар ишчи-ходим саломатлигини тиклади. Бунинг учун 18 миллион 250 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 514 нафар касаба уюшма аъзоси бепул "Чимён", "Чортоқ", "Ботаника", "Турон", "Оқтош" ва бошқа санаторийларда даволаниб, дам олиб қайтди. Ишчи-ходимларнинг 1051 нафар ўғил-қизлари "Тонг" оромгоҳида бепул ҳордиқ чиқарди.

Кези келганда корхона жамоасининг ҳомийлик ёрдами хусусида ҳам бир-икки оғиз сўз. Фарғона НҚИЗ Марғилон шаҳридаги 1-"Меҳрибонлик уйи" болалари учун замонавий муҳташам ҳаммом қуриб беришни ўз зиммасига олди. Фарғона шаҳридаги "Мурувват уйи"дагилар ҳар байрамда корхона вакиллари улар ҳолидан хабар олишлари-ю, совға-саломлар билан кўнгил олишларига кўникиб ҳам қолишган. Савоб иш қилиб, дуо олганга не етсин!

**Шарофат ИСКАНДАР қизи,**
**«Ишонч» мухбири**

*Касаба уюшма тадбири*

# КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

***Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари ҳудудда жойлашган чегара қўшинлари, ҳарбий қисмларга ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар. Жумладан, агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ва давлат муассасалари касаба уюшмаси вилоят вакиллиги томонидан Қўшкўпир туманида жойлашган ҳарбий қисм аскарларига 300 минг сўмдан ортиқ ҳомийлик кўмаги берилди.***

Ватанимиз сарҳадларини сергаклик билан қўриқлаётган Шовот тумани ҳудудидаги ҳарбий қисм хизматчилари ҳузурига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раҳбарлари ташриф буюриб, уларга ярим миллион сўмлик совға-саломлар улашдилар.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вилоят кенгаши раҳбарлари эса ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари вилоят вакиллиги билан ҳамкорликда Хива тумани ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари ҳимоячиларига 350 минг сўмлик спорт анжомлари туҳфа қилдилар. Савдо, матбуот кооперацияси ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вилоят вакиллиги ҳам Хоразмнинг кунчиқар дарвозаси Хазорасп туманидаги "Базиргон" ва "Муҳомон" қишлоқларида жойлашган ҳарбий қисмларда бўлишиб, 100 нафар ҳарбий хизматчига дастурхон ёзиб, санъаткорлар иштирокида концерт қўйиб беришди. Ўз навбатида бу тадбир иштирокчилари совға-саломларни ҳам қабул қилиб олишди.

"Мухомон" қишлоғидаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ўғлини кўришга борган янгибозорлик фермер Мурод Янгибоев шундай дейди:

— Ўша куни ҳарбий қисмда чинакам байрам бўлди. Касаба уюшмаларининг бу ғамхўрликларидан зобитлар ҳам, биз ота-оналар ҳам ниҳоятда хурсанд бўлдик.

**Э.ЭРКИНОВ**

***Наврўз айёми арафасида ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи тўрттадан кўчат экади. Андижон вилояти Қўрғонтепа туман ўқитувчилар жамоаси худди шу ташаббус билан чиқишди.***

# НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Қўрғонтепаликлар ташаббусини «Нуроний-устоз» вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрийлар кенгаши, вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлашди. Улар умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари, Андижон вилояти олий ўқув юртлари жамоалари ўртасида кўкаламзорлаштириш бўйича кўрик-танлов эълон қилишди.

Мазкур тадбир апрел ойида якунланади. Кўрик-танлов ғолибларини ўқув-бадиий адабиётлар, телевизорлар, спорт анжомлари, йирик пул мукофотлари каби совғалар кутмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

(Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, республика ичида эпидемия ва эпизоотияга қарши тадбирлар тўлиқ амалга оширилмоқда. Барча бозорларда сотувга чиқарилаётган паррандалар ва бу турдаги маҳсулотларни синчковлик билан текшириш йўлга қўйилган. Улар ветеринария-санитария лабораториялари рухсати олинганидан сўнггина сотувга чиқарилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, истеъмолчиларга ўзларининг мазали ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини марказлаштирилган ҳолда етказиб бераётган республикамиздаги паррандачилик соҳаси ҳам албатта қатъий назоратга олинган.

## «ПАРРАНДА ГРИППИ»: ШОВ-ШУВГА ЎРИН ЙЎҚ

Ушбу тадбирларга тиббиёт ходимлари ва ветеринария хизматларидан ташқари, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ҳам жалб қилинган. Ўзбекистонга «парранда гриппи» кириб келишининг олдини олиш бўйича республика идоралараро штаби кун-тун ишлаб турибди. Бу ишда эпидемиологлар, юқумли касалликлар шифокорлари, ветеринарлар, вирусолог-олимлар, зоологлар, орнитологлар иштирок этмоқда. Ёввойи қушлар тўхтаб ўтадиган барча кўллар, катта ва кичик сув ҳавзалари диққат билан кузатилмоқда. Бундан ташқари, ветеринарлар ва санитария шифокорлари ҳар куни аҳоли тураржойларида паррандалар ҳамда уй эгаларининг соғлиғи бўйича ҳолатни текширмоқда. Ҳамюртларимиз бу ишларнинг уйдаги паррандаларни соғлом сақлаш ва касалликка чалинишининг олдини олиш учун қилинаётганини яхши тушунади, деб ўйлайман.

Қушларнинг нобуд бўлиши билан боғлиқ ҳар бир ҳолат жиддий баҳоланиб, зудлик билан текширилмоқда. Республика вирусология лабораториялари зарур реактив ва ташҳис воситалари билан таъминланган. Шуни эслатиб ўтиш керакки, бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги инфекция аниқланган ҳолатда ишлатиш учун керакли миқдордаги дезинфекция воситалари ва бошқа препаратларга эга. Фикримизча, хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган текширилмаган маълумотлар - «парранда гриппи» бўйича шов-шув кўтаришнинг яна бир услуби, холос. Яна бир бор таъкидламоқчиман, Ўзбекистонда ушбу инфекция бўйича эпидемиологик ва эпизоотик вазият тинч ва бунинг учун барча зарур чоралар кўрилган.

**А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири**

*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди*

# ОРОЛБЎЙИ ЗАРДЎЗЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Интилганга толе ёр, деганларидек маҳсулотларнинг талабгорлари кўпайди. "Орол" жамғармасидан 3 миллион сўм кредит олиниб, қўшимча шохобчалар очилди, замонавий дастгоҳлар ва тикув машиналари сотиб олинди. Ҳозир фирма қошида иккита дўкон ва дорихона фаолият кўрсатяпти. Туман меҳнат бўлими тавсияси билан ишга қабул қилинган қизлар сони 30 нафардан ошиб кетди. Айни пайтда фирманинг шаҳардаги "Янгиобод" маҳалласи ва Беруний, Алишер Навоий, Қилчиноқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида шохобчалари ишлаб турибди. Аҳолининг эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, бухороча услубда зардўзи дўппилар, эркаклар ва аёллар чопонлари, келинлар куйлаклари тайёрланаяпти. Фирма маҳсулотлари Оролбўйининг барча шаҳар ва туманларида истеъмолчилар томонидан қизиқиш билан харид қилинаяпти.

— Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони кичик ва хусусий бизнес тараққиёти учун кенг йўл очиб берди, — дейди биз билан суҳбатда М.Ужанова. — Эндиликда микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда, бошқа тадбиркорлик субъектлари уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текширилади. Шунинг билан бирга биз тадбиркорлар зиммамизда масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолиятимизни қонун талаблари асосида ташкил этишимиз керак.

Корхона маҳсулотлари ҳамма жойда ҳам харидоргир. Фирманинг товар айланмаси 20 миллион сўмга етди. Зардўзлар Қорақалпоғистоннинг Чимбой, Кегайли туманларидан келган бир гуруҳ ёшларга қадимий ҳунар сирларини ўргатдилар. Даромад ортгани сари иш жараёни кенгаймоқда. Ҳокимлик ёрдами билан туман марказидаги кўркам иморатлардан бири корхона тасарруфига берилди. Янги бино "Орол" жамғармаси ҳисобидан таъмирланиб, гилам тўқиш цехи очилди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида кам таъминланган оилаларнинг табиий газ ва электр ҳақи тўловларида яқиндан кўмаклашаяпти. Тўй-маъракалар, янги турмуш қураётганларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

"Қали қизи Маути" хусусий корхонасининг мафтункор ва хушбичим либосларида халқимизнинг миллий қадриятлари ўз ифодасини топган. Савдо пештахталарида зардўзи кийим-кечакларга кўзи тушган ҳар бир киши уни тезроқ харид қилишга интилади. Оролбўйида зардўзлик санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган Маути Ужанованинг издошлари кўпайиб бормоқда.

Хўжайли туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан шаҳардаги 17-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги иш ўринлари вужудга келди. "Тадбиркор аёл" республика уюшмаси туман бўлими ёрдамида олинган микрокредитлар ҳисобидан 200 нафар хотин-қиз бизнесини йўлга қўйди. Илгари уйда бекор ўтирган аёллар эндиликда бичиш-тикиш ишлари билан шуғулланишаяпти, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Касаначилик фаолиятига асосланган кичик тикувчилик цехлари очилди.

**И.НИШОНОВ**





*«Шовот дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш қуввати юқори корхоналардан саналади. Ўтган йили корхонага 18 минг 887 тонна ғалла қабул қилинган. Бу ерда ҳар куни 100 тонна ун маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, унинг таркибини инсон организми учун зарур ва фойдали моддалар билан бойитишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жамиятда 130 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларга қулай иш шароити яратиш борасида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси изчил фаолият кўрсатяпти. Барча ходимлар махсус кийим-бош билан таъминланган. Ошхона, ювиниш ва дам олиш хоналари меҳнаткашлар хизматида. Айниқса, уларнинг саломатлигига ғамхўрлик кучайтирилмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида 10 нафар ходим сиҳатгоҳларда соғлиқларни тиклашди. Уларнинг фарзандлари эса дам олишлари учун оромгоҳларга бепул йўлланма билан таъминланди.*

**Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

*2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

# ХАЙРУ САХОВАТЛИ ХАТИЧАБОНУ

## 10 та кам таъминланган оилага 10 бош соғин сигир олиб берди

***Бўстон қадимдан ўзининг олиму уламолари, дилбар шоиралари, қўли гул ҳунармандларию чеварлари билан машҳур. Бу қишлоқ аҳолисининг яна бир фазилати, бу уларнинг қурилаётган ҳар бир иморатни файзли, жозибали бўлишини яхши кўришидир. Марказий кўча чеккаларига экилган гулларни кўришингиз билан ўзингизни ажиб бир бўстонга кириб қолгандай ҳис қиласиз.***

Кўча бўйлаб бир километр юрсангиз, чап томонда бежирим ва муҳташам бино кўзга ташланади. Унинг пештоқига "Хатича" деган чиройли лавҳа ёзиб қўйилган. Нафақат бўстонликлар, балки бутун Қизилтепа тумани аҳолиси маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган кўп тармоқли бу фирмани яхши билишади. Чунки, кўпчиликнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи ана шу корхона билан чамбарчас боғланган.

Хатичахон Воҳидова асли Ғиждувоннинг Денов қишлоғидан. У Бўстонга келин бўлиб тушган. Болаликдан тикувчилик, зардўзлик сирларини ўрганди. Бу ерга келиб тинч ўтиролмади. Каттагина рўзғор ташвишлари елкасида турганига қарамай, Президентимизнинг "Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан руҳланиб, 1995 йилда 4 нафар ишловчидан иборат фирма очди. Дастлаб тикувчилик, бичувчилик, зардўзлик, патдўзлик, каштачилик йўлга қўйилиб, ранг-баранг гўзал ва бежирим миллий либослар тикила бошланди. Уларнинг мижозлари кун сайин ортди. Ҳаттоки узоқ қишлоқларда яшовчилар ҳам тўй-тантаналар учун керакли либосларга шу фирмадан буюртма берадиган бўлдилар. Шу аснода корхона қошида бешикчилик, сандиқчилик, қандолатчилик, нонвойлик каби миллий ҳунармандчилик анъаналари давом эттирилди.

Хатичахон опа одамлар ўйлаганидан ҳам ишбилармон, ташаббускор чиқиб қолди. Тўғрироғи, ҳамюртларига хизмат қилиш туйғуси ундаги яширин қобилиятни юзага чиқарди. Корхона қошида "Усто — шогирд" ўқув маркази ташкил қилинди. Бу ерда билим ва малака олган хотин-қизлар уйларида буюртма асосида ишлай бошладилар. 300 нафар ёш қиз-жувонлар шу йўсинда иш билан таъминланди.

Вақт дегани оқар сув экан. Ўтган йилнинг декабр ойида фирма ташкил этилганининг 10 йиллиги нишонланди. Эҳҳе, бу давр ичида фирма маҳсулотлари қанчадан-қанча хонадонларга кириб бормади, тўю тантаналарда аҳолига завқ-шавқ бағишламади, дейсиз.

Тадбиркорликнинг бугунги асосий талаби нафақат харидор диди ва талабини ўрганиш, балки улар орзусидаги мукаммал маҳсулотларни яратишни ҳам тақозо этмоқда. Фирма қошида суратхона иш олиб бормоқда. Видео, компьютер хизмати йўлга қўйилган. Эркаклар ва аёллар сартарошхоналари, ижара усулидаги тўй либослари, саҳна кўринишлари ташкил этилган. Шунингдек, фирмада ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Санобар Сатторова, Гулмира Шарипова, Гулнора Аннақуловалар тайёрлаган кийим-кечаклар, айниқса ўзининг харидоргирлиги билан тилга тушмоқда. Корхона қошидаги арзонлаштирилган дўконда фирмада ишловчи ходимларга бугунги кунда керакли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. "Хатича"нинг катта замонавий корхоналардан фарқи йўқ. Бу ерда ташкил этилган "Гигиена", "Она ва бола", ювиниш хоналаридаги озодалик, саранжом-саришталик, жиҳозлар ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Ошхонада ташкил этилган бепул иссиқ овқат ҳам жамоага манзур бўлмоқда.

— Ҳар бир киши ишлашга ҳақли, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилиши керак, — дейди Хатичахон Воҳидова. — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ўз маблағимиз ҳисобидан 10 та кам таъминланган оилага 10 бош соғин сигир олиб бердик. Тузилган шартномага асосан мол эгаси кунига фирмага 5 литрдан сут топширади. Сут ҳисобига эса фирма хонадон эгасини ем-хашак билан таъминлайди. Ўзаро келишувга асосан 3 йил давомида олинган иккита бузоқ тадбиркорга қайтарилади. Сигир ва учинчи бузоқ эса хонадон эгасининг шахсий мулкига айланади.

Хатича опа келажакда кам даромадли оилаларга парранда олиб бериш ҳисобига уларнинг моддий манфаатдорлигини оширибгина қолмай, эл дастурхонини ана шу маҳсулотлар билан янада бойитишни режалаштирмоқда.

Воҳидовлар оиласини бўстонликликлар намунали, пиру-бадавлат хонадон сифатида тилга олишади. Даврон ака ва Хатича опаларнинг 6 нафар фарзанди эл корига яраб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилмоқда. 13 нафар набираси ҳар куни эрта тонгда меҳр билан салом берганда, ҳар қандай одамнинг дилида замонга шукроналик ҳисси жўш уради.

**Соҳибахон АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Қинғир ишнинг қийиғи*

# «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ ЭШИТАДИ

***Телефон қўнғироғи жиринглади. "Ишонч" телефони эшитади, — деди навбатчи ҳозиржавоблик билан.***

***— Кўчамизда сифатсиз ўсимлик мойи ишлаб чиқарилаяпти, — деди исми-шарифи ва манзилгоҳини маълум қилган фуқаро. — Икки кун илгари қўшинларимиз ўша ёғдан сотиб олиб, овқат тайёрлашган эди, болаларининг ошқозони оғриб қолди.***

Шошилинч хабарнома бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Воқеа жойида текширилиб, аҳвол ўрганилганда, далиллар ўз исботини топди. Ш.Ҳамроев номли хўжаликда яшовчи 27 ёшли фуқаро Фарҳод Ниёзов ҳеч қандай ҳужжатсиз уйида "қўлбола" ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Тайёрланган маҳсулот давлат стандарти талабларига мутлақо жавоб бермайди.

"Арзоннинг шўрваси татимас" деганларидек, сифатсиз ўсимлик мойи истеъмолчиларнинг соғлиғига зарар етказиши табиий. Шофиркон туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари "сохта тадбиркор" тайёрлаган 25 килограмм сифатсиз маҳсулотни олиб қўйишди. Тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун амалиёт бўлимига топширилди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очилган. Айни пайтда зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишилар билан бирга, "ишбилармон" ниқоби остида хуфёна иқтисодиётга қўл урганлар ҳам учраётганлиги кишида таассуф уйғотади.

Чандир қишлоғида яшовчи Қаҳрамон Холов қўлда ясалган дастгоҳларда бўз тўқиб, сотиш билан шуғулланган. Унинг яширин цехидан қиймати 70 минг сўмлик калава ип топилди. Ҳеч жойда рўйхатдан ўтмаган ва қонуний ҳужжатлари бўлмаган тадбиркорлик субъекти фаолиятига чек қўйилди.

Сифатсиз маҳсулот — кони зиён. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинади, деб бежиз айтишмаган. Туман марказидаги Н.Авазов кўчасида жойлашган Р.Яҳёевага қарашли дўкон кўздан кечирилганда сотиш учун қўйилган 75 литр сифатсиз спирт маҳсулоти мавжудлиги аниқланиб, тегишли чора кўрилди. Фуқаро Б.Аҳмедов ҳужжатсиз 300 минг сўмлик аудио-видео маҳсулотлари билан савдо қилаётган бўлса, Чандир фуқаролар йиғини ҳудудида А.Ҳайитовга тегишли умумий овқатланиш шохобчаси ноқонуний иш юритаётганлиги маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси ўрганилганда, хусусий тадбиркор Д.Ашуровага қарашли дўкон "Зайтуна-Нормурод" савдо фирмаси, "Ғофуржон" хусусий корхонаси, Ш.Хамроев хўжалигидаги У.Умаровга қарашли савдо тармоқларида харидорларга харид чеки берилмаганлиги аниқланди.

Туман марказида сифат сертификатига эга бўлмаган дори-дармон сотаётган М.Комиловдан 32600 сўмлик, М.Маҳмудовадан 17600 сўмлик дорилар олиб қўйилди. Наврўз кўчасидаги "Дилшодбек Муқим ўғли" хусусий дўконида мудир М.Усмоновнинг эътиборсизлиги туфайли дориларнинг нархлари ёзиб қўйилмаган.

Камчиликларни бартараф этиш йўлида солиқ ходимлари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракати туфайли туманда савдо тушуми 3 миллиард сўмликдан ошиб кетди. Қонуний фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сони кўпайди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Эртани ўйлаб*

***Дўстлик тумани умумтаълим мактабларида болалар спортини ривожлантириш ҳамда мавжуд базаларни мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туманда 11 та спорт заллари, 19 та футбол, 2 та теннис майдончалари мавжуд. 71 та тўгаракда 1753 нафар ўқувчи шуғулланмоқда. 5-,6-умумий ўрта таълим мактабларида спорт зали бунёд этилиб, спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, қўл тўпи, теннис турлари бўйича машғулотлар олиб бориляпти.***

# ФЕЪЛИ КЕНГ ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА

Ўтган йили 16-мактабда Давлат умуммиллий дастури асосида янги спорт зали қуриб, фойдаланишга топширилди. Унга болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими томонидан 74 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бу ерда қўшимча 1 та мураббий, 2 та ечиниш хонаси, 2 та душхона, 2 та жиҳозлар, 2 та ёрдамчи хона мавжуд. Бу масканга жамғарма томонидан 5 миллион 600 минг, туман халқ таълими бўлими томонидан 1 миллион сўмлик спорт жиҳозлари тақдим этилди.

Айни пайтда туман мактабларида 9140 нафар ўқувчи жисмоний тарбия машғулотларида мунтазам машғул. Уларга 42 нафар ўқитувчилар мураббийлик қилишаётир. Спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида болалар ўртасида тез-тез кураш, миллий кураш, волейбол, баскетбол, каратэ-до мусобақалари ўтказиб келиняпти. Бугунги кунда кураш бўйича жаҳон чемпионлари Бобомурод Файзиев, Олимжон Равшановлар, курашчи Комил Суюнов, Орзимурод Карвонов, енгил атлетика бўйича Республика ғолиби Камола Каримованинг номи кўпчиликка таниш.

— Президентимизнинг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонидан кейин туманда ёшлар спортига бўлган муносабат ва эътибор ўзгарди, — дейди халқ таълими бўлими етакчи мутахассиси Саидмурод Тоғаев. — Тумандаги мактабларнинг спорт заллари сўнгги 2 йил ичида капитал таъмирдан чиқарилиб, спорт жиҳозлари билан таъминланди. Шу ўринда бир эслатма. Тадбиркор ва фермерлар туманда спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида яхши бир ташаббус билан чиқдилар. Иқтисодий бақувват фермерлар болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб бермоқдалар. Юлдуз Холматова раҳбарлик қилаётган «Юлдуз» фермер хўжалиги 1 миллион сўмлик маблағ ажратди. Шунингдек, Муртаз Бўтаев бошлиқ «Эшниёз бобо», Омон Абдуллаев бошлиқ «Машъал» каби фермер хўжаликлари ҳам ўз саховатларини дариғ тутмаяптилар.

— Қишлоқ мактабларидаги шароит шаҳардагидан ҳеч ҳам қолишмайди. Ўқув муассасамиз ўтган йили «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури»га кўра капитал таъмирдан чиқарилди. Аварияҳолатига келиб қолган спорт ва фаоллар залларида катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шароитларини айтмайсизми! — дея севинчини ичига сиғдирмай суҳбатга қўшилди 8-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» Турғун Қосимов.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ёшларнинг иккинчи уйига айланган. Бу севимли масканда саккиз спорт тури бўйича 27 та тўгаракда 837 нафар ўқувчи шуғулланмоқда. 27 нафар мураббий шогирдларига маҳорат сирларидан сабоқ беришаяпти. Ёпиқ спорт зали, теннис корти, шоҳмот-шашка тўгараклари учун алоҳида хоналар мавжуд. Шунингдек, «Дўстлик» ўйингоҳи улар ихтиёрида. Футбол майдони, югуриш йўлакчалари, волейбол, баскетбол майдончалари доимо ёшлар билан гавжум. Пўлат Суюнов, Шерали Мажидов, Абдумутал Ҳусанов, Юнус Лупов, Тойир Тошбоев каби мураббийлар олиб бораётган ишлар мақтовга сазовордир. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасидаги натижалар ҳам ёмон эмас. Кураш, енгил атлетика, баскетбол, шоҳмот-шашка турлари бўйича ўтказилаётган вилоят мусобақаларида туман ёшларининг ўз ўрни борлиги қувонарли ҳол, албатта.





**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Иқтидор*

***Ёшларни оммавий спортга жалб этишдан кўзланган мақсад миллат генофондини соғломлаштиришдан иборат. Жисмоний тарбия ва спорт соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фарзандларимизни турли салбий таъсирлардан асраш, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга етишида катта аҳамиятга эга.***

# ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Сардор болалигидан спортга меҳр қўйди. Кўча-кўйда кураш тушиб, тенгдошларининг курагини ерга теккизганида боши кўкка етгандек ҳис қиларди ўзини.

Ўғлидаги иқтидор ва қобилиятни англаган отаси Абдурайим Қобилов учинчи синфда ўқиган пайтидаёқ фарзандини талабчан мураббий Олим Аҳмедов ихтиёрига топширди. Тўққиз-ўн ёшли болалар дастлаб дзю-до кураши сир-синоатларини қизиқиш билан ўргана бошладилар.

Маҳорат машқларда тобланади. Қалби орзуларга тўлиқ кичкинтойлар ўсмирлик пиллапоясига қадам қўйишганида жанговар курашнинг мураккаблиги, унинг усулларини чуқур эгаллаш учун тинмай шуғулланиш кераклигини, бунинг учун қўл-оёқлар, бутун гавда бақувват ва чаққон бўлишини тушуниб етдилар. Бугунги кунда Сардор вилоятда "Энг яхши спорт жамоаси" деб топилган "Барс" дзю-до клубининг фаол аъзоларидан бири.

Йиллар ўтиши билан воҳанинг таниқли спортчиси сифатида тилга тушди. Бундан тўрт йил муқаддам вилоят биринчилигида қатнашган бўлса, ҳозир мамлакат ва халқаро турнирларда иштирок этаяпти. Тошкент вилоятида ўтказилган мамлакат чемпионатида қашқадарёликлар 9 та медал, жумладан 5 та олтин медални қўлга киритишган экан, бунда ёш курашчиларнинг муносиб улуши бор, албатта.

Спорт ўғил-қизларимизнинг характерини тоблайди, - дейди тажрибали мураббий Улуғбек Паттаев. - Ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш билан бирга қалбида ўз халқи, она юрти билан фахрланиш туйғуларини жўш урдиради.

Сардор ва унинг тенгқурлари тимсолида диёримизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, мустаҳкам иродали ва ўз дунёқарашига эга бўлган, қураётган жамиятимизга муносиб ёшлар вояга етаётганлигини ҳис этиб, дилингиз беихтиёр фахру ифтихорга тўлади.

Украина пойтахти Киев шаҳрида ўтказилган "Олимпия умидлари" дзюдо "А" тоифага кирувчи халқаро турнирда қашқадарёлик Сардор Ибрагимов энг юқори натижага эришди. 14-15 ёшли ўсмирлар беллашувида 46 килограммгача вазнда биринчи ўринни эгаллаб, ҳақиқий иқтидор соҳиби эканлигини намойиш қилди.

"А" тақвимига кирувчи мусобақалар нуфузи жиҳатидан қитъа чемпионатларига тенг бўлиб, йилига 2-3 марта ўтказилади. У Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларига йўлланма берувчи турнирлар сирасига киради. Украина пойтахтида ўтказилган турнирда Буюк Британия, Бельгия, Россия, Голландия, Белоруссия, Эстония, Исроил сингари йигирмадан ортиқ мамлакатларнинг вакиллари қатнашдилар.

Мамлакат ўсмирлар терма жамоаси мураббийси У. Паттаевнинг таъкидлашича, дзю-до халқаро ассоциациясининг таклифномасига асосан Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этди. Жамоа сафидан ўрин олган 8 нафар ўсмир йигит ва 4 нафар қиз мусобақаларда фаол қатнашиб, 1 та олтин, 3 та бронза медали соҳиби бўлишди.

Сардор Ибрагимов илк бор йирик халқаро мусобақада иштирок этаётганига қарамай, барча рақибларини ишонч билан мағлуб этди. 6 учрашувдан 4 тасини муддатидан олдин соф ғалаба билан якунлади.

— Ярим финалда ниҳоятда ҳаяжонландим, - дейди ёш полвон биз билан суҳбатда. – Рақибим чаққон ва бақувват эди. Мухлисларнинг қўллаб -қувватлаши ва мураббийнинг далдаси билан жанговар усулларни қўллаб ғалаба қозондим. Финалда эса Исроил полвони билан курашиб, олтин медални қўлга киритдим.

Дзю-до кураши қийин ва машаққатли кечади. Ҳал қилувчи курашга тушиш учун аввало кишида ғалабага қатъий ишонч бўлиши керак. Сардорнинг таъкидлашича, умумжисмоний тайёргарлик машқларини муттасил адо этган, мушакларини чиниқтирган спортчи муваффақият қозонади. Ёш дзю-дочи ва унинг дўстлари эрталабки бадантарбия, югуриш, тош кўтариш, турникда тортилиш каби машқларни эринмасдан бажарадилар.

— Дзю-до сирларини эринмай ўргатганлиги учун устозим Улуғбек Паттаевдан миннатдорман, - дейди С. Ибрагимов. – Келгусида мамлакат терма жамоаси таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, жаҳон чемпионатлари ва Олимпия ўйинларида иштирок этиш ниятидаман.

Орзуга айб йўқ, дейдилар.

**Н.ҚАРШИЕВ**

***Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Олис қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қуриб, фойдаланишга топширияпти.***

# ЖИСМОНИЙ ЮКЛАМА ОҒИРЛИК ҚИЛМАЙДИМИ?

## болалар соғлиғи назоратда

Гурлан тумани Хоразм вилоятининг энг чекка ҳудудларидан бири саналади. Туман халқ таълими бўлими томонидан қишлоқ жойларда мавжуд иншоотлардан самарали фойдаланиш, қизларни спортга кенг жалб этиш ва кам таъминланган оилаларга спорт кийимлари олиб бериш юзасидан тадбирлар белгилангани айни муддао бўлди. Ёшларнинг ўқишдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди. Туман учун янгилик бўлган бадиий гимнастика турини ривожлантириш мақсадида уч нафар мураббий аёлларнинг малака оширишга юборилганлиги ҳам барчани хушнуд этди. Халқ таълими бўлими ва касаба уюшма ҳамкорлигида ногирон болалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш анъана тусига кирди.

-Спорт билан шуғулланаётганларнинг саломатлиги қай аҳволда эканлигини билиш жуда муҳим ишдир,- дейди болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман вакили П. Матёқубов. –Чунки, жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда спортнинг у ёки бу турини тавсия этишда ҳикмат кўп. Шу боис, туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда жойларда спорт билан шуғулланаётган болаларга белгиланган жисмоний юкламалар уларнинг соғлиғига қандай таъсир этаётганини назорат қилиш ишларини йўлга қўйдик. Бу жараён босқичма -босқич амалга оширилмоқда.

Туманда жисмоний тарбия ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж инобатга олиниб (айниқса, хотин-қизларга), вилоятдаги университет раҳбариятига керакли мутахассислар учун баъзи имтиёзларни бериш таклифи билан чиқилди. Гурланлик ўқувчиларнинг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари вилоят босқичида анча муваффақиятли иштирок этгани бу ерда спорт ишлари тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Шу билан бирга баъзи ишларнинг тўхтаб туриши болалар спорти ривожига тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, тумандаги марказий ўйингоҳни таъмирлаш ва спорт зали қуриш ишлари негадир ортга сурилмоқда. Амударё ва Зарбдор ширкат хўжаликлари клуб биноларида бошланган қайта таъмирлаш ишлари тўхтаб турибди.

Янгибозор туманида ҳам болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги 28 та спорт зали, мини-футбол, волейбол, қўл тўпи майдонлари ҳамда югуриш йўлкалари баҳорги мавсум арафасида қайта тартибга келтирилди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган БЎСМда спортнинг 7 та, спорт-интернатида 5 та йўналиш бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Шу тариқа 1000 дан ортиқ ёшлар ўзларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқда.

Қаландардурман қишлоғидаги 6-мактабда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан янги спорт зали қуриб, фойдаланишга топширилди. Унинг қурилиши ҳамда жиҳозлар учун 128 миллион сўм маблағ сарфланди.

-Болаларни спортга ошно этиш, уларга қулай шароитлар яратиш мақсадида бўш ётган биноларни қайта таъмирлаб, ишга туширяпмиз, -дея суҳбатга қўшилди туман халқ таълими бўлими мудири А.Рамазонов. –Боғалон қишлоғидаги қишки клуб биноси анчадан буён қаровсиз ҳолда ётарди. Уни қайта таъмирлаб, Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига айлантирдик. Бу ишлар учун болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 60 миллион сўм маблағ сарфланди.

Айни вақтда тумандаги 16-, 25-, 30- мактабларда спорт заллари мавжуд эмаслиги ҳисобга олиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Осиё чемпионлар лигаси*

# ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ

Мамлакатимизнинг энг номдор жамоаларидан бири Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси бу йил ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлайди. Шу боис мавсум жамоа учун ҳар қачонгидан-да масъулиятли саналади. Жамоага таклиф этилган янги мураббий Валерий Непомняшийдан футбол мухлисларининг умиди катта. Гарчанд, жамоани бир қатор тажрибали футболчилар тарк этган бўлсада, уларнинг ўрнини босадиган иқтидор эгалари анчагина. Хусусан, туркманистонлик легионер Гочгули Гочгулиевнинг жамоадан кетиши ҳимоя чизиғини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Аммо, бироз танаффусдан сўнг яна сафга қайтган Зайниддин Тожиев ҳужум чизиғини кучайтириши шубҳасиз.

Севимли жамоамиз мавсумни Осиё чемпионлар лигаси баҳслари билан бошлади. Ўз майдонида Суриянинг "Ал –Иттиҳод " клубини қабул қилган футболчиларимиз бу ўйинда тўла устунлик қилди, десак муболаға бўлмас. Ўйин бошиданоқ майдонда ўрнатилган ҳукмронлик тезда ўз самарасини берди. 18-дақиқада ҳисоб очилди. Стандарт вазиятлардан фойдаланишга уста бўлиб қолган вакилларимиз бу голни ҳам бурчак тўпидан сўнг дарбозага йўллашди. Тўп муаллифи Ислом Иномов.

Иккинчи бўлим ҳам вакилларимиз устунлигида ўтди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида Александр Клецков томонидан киритилган иккинчи тўп жамоа ғалабасини мустаҳкамлади.

Пахтакорчилар мамлакат чемпионатининг дастлабки учрашувини 12 март куни Самарқандда "Динамо" жамоасига қарши ўтказадилар.

# «МАШЪАЛ»НИНГ ДЕБЮТИ

***Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида илк марта қатнашаётган Муборакнинг "Машъал" жамоаси Қувайтда Ироқнинг "Ал-Минал" жамоасига қарши майдонга тушди. Аввал айтиб ўтилгандек, ушбу учрашув Ироқдаги нотинч вазият туфайли бошқа мамлакат майдонига кўчирилган эди.***



Маълумки, "Машъал" жамоаси сафида ўзбек футболининг ёркин юлдузи Миржалол Қосимов ўтган мавсумда тўп суриб, клуб ёшларига ўрнак бўлиш билан бирга жамоанинг яхши натижаларга эришида муҳим рол ўйнаганди. М.Қосимов футбол билан хайрлашишга қарор қилганлиги боис мухлис ва мутахассислар жамоанинг бу йилги ўйинларидан хавотирда эди. Бироқ, "Машъал" футболчилари меҳмонда чиройли ўйин намойиш этиб, барчани хушнуд қилди.

Муборакли футболчилар қизғин баҳсни ўз томонларига оғдириб, 1:0 ҳисобида зафар қозонишди. Тўп ўйиннинг 30-дақиқасида Зафар Холмуродов томонидан дарбозага киритилди.

**А. МАМАЖОНОВ**

## Спорт оламида

*Бокс*

### ДАРЧИНЯННИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Ўта енгил вазнда IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Вахтанг Дарчинян бундан бир ҳафта олдин Диосдадо Габи билан бўлган жангда ҳар томонлама устунликка эришиб, уни нокаутга учратганлиги ва шу тариқа ўз унвонини сақлаб қолганлигидан хабарингиз бор, албатта. У ўзи яшаб турган Австралияга қайтгач, оммавий ахборот воситалари вакилларига баёнот берди.

— Мен вақтинча WBC йўналиши бўйича чемпион бўлиб турган Хорхс Арсе билан июн ойида учрашишни истардим, — деди у. — Агар қўрқмаса, ўзини кучли деб ҳисобласа, мен билан жангга киришиб, иккимиздан қай биримиз чемпионликка муносиб эканлигимизни аниқлаб олишга рози бўлиши керак. Ўзимга қолса, мен уни шунчаки енгамангина эмас, нокаутга учратаман ҳам.



### ДЖОН РУИСНИНГ ҚАРОРИ



Ўтган йилнинг декабрида Николай Валуев билан кечган баҳсда WBA йўналиши бўйича оғир вазнда эгаллаб турган унвонини бой бериб қўйган Джон Руис яқин орада рингга қайтиш ниятида.

— Мен қайтаман, — деди у. — Бокс фаолиятимни давом эттиришга қатъий қарор қилдим. Умид қиламанки, шу ойнинг ўзидаёқ менинг Валуев билан матч-реванш ҳақидаги аризам қондирилади.

Руис, шунингдек, ўзининг янги мураббийини эълон қилди. У шу пайтгача йигирма учта чемпион билан тер тўккан пуэрто-риколик Мэнни Сиакларнинг каттасидир.

### ГАП ТАЛАШИБ ҚОЛИШДИ

Сен билан баҳсга киришган одамнинг кимлигини билиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас. Афсуски, буни Токионинг кўнгилочар даҳасида жойлашган ресторанга ташриф буюрган, келиб чиқиши япониялик ва колумбиялик икки хўранда билмайдиган кўринади. Акс ҳолда енгил вазнда Япониянинг ўн карра чемпиони 24 ёшли Александр Бахтин билан гап талашиб юришмас эди.

Оқибати эса, ўзингиз тахмин қилгандек, ҳар иккисининг кўз очиб юмгунча вақт ичида ер тишлаши билан якун топди. «Арзимаган нарса учун куч ишлатишимга тўғри келганига ачинаман» деди полиция маҳкамасида чемпион.

Япония профессионал бокс ассоциацияси Бахтиннинг қамоққа олинганлигини тасдиқлади. Лекин чемпион жарима ва икки «рақиби»нинг оёққа туриб олишига кетган сарф-харажатни тўлаш билан қутилиб қолишига умид билдирилмоқда.

*Шоҳмот*

### ҲАМОН ЛЕКО ПЕШҚАДАМ

Аввал Испаниянинг Морелия, сўнг Линарес шаҳрида ўтказилаётган супер турнирнинг ўн иккинчи тури ўйналди. Унинг энг муросасиз баҳси; деб эътироф этилган россиялик Пётр Свидлер ва арманистонлик Леван Аронян ўртасидаги учрашувда барибир охир оқибат дурангга имзо чекилди.

Қолган матчларда қуйидаги ҳисоб қайд этилди: Франциско Вальехо (Испания) — Теймур Ражабов (Озарбайжон) — 0,5:0,5; Веселин Топалов (Болгария) — Василий Иванчук (Украина) — 0,5:0,5; Петер Леко (Венгрия) — Этьен Бакро (Франция) — 0,5:0,5.

12 турдан сўнг 7,5 очко жамғарган Леко олдинда бормоқда.

*Бадиий гимнастика*

### КАБАЕВА ИБРАТИ



Ляйсан Утяшевани ушбу спорт тури ихлосмандлари яхши билишади. 2001 йили Жаҳон кубоги соҳибаси бўлган спортчи Алина Кабаеванинг қайтишини кутлаб, ўзида ҳам шундай хоҳиш пайдо бўлганлигини билдирди.

— Алина бундан бир ой муқаддам машғулотларни бошлаб юборганда, уни қўллаб-қувватлаганларнинг биринчиси мен бўлгандим, — деди у. — Мен ўшанда ўзимча ўйладим. Қарийб тенгдошим бўлган Алина бир ярим йиллик танаффусдан сўнг спортга қайтишни ихтиёр этса, нега мен уриниб кўрмаслигим керак?

Ляйсан апрел ойида бўладиган Россия чемпионатида қатнашиш учун ўз мураббийи Наталья Тишина ва терма жамоа устози Ирина Винер қўл остида машғулотларга киришди.

*Футбол*

### МАУРИНЬО МАШИНАСИ ТЕЗЛИГИНИ ПАСАЙТИРДИ...МИ?

Азалдан маълумки, ютқазмайдиган жамоанинг ўзи бўлмайди. «Челси» ҳам шундай. Лекин айрим оммавий ахборот воситалари Моуриньо шогирдларининг «Барселона» тўсиғидан ўтолмаганлигини ошириб-тошириб шарҳлашда давом этмоқдалар. Мураббий эса бутунлай ўзгача фикрда: «Футболда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Шу жумладан, мағлубият ҳам».



Умуман, Европа чемпионлар лигасининг нимчорак учрашувлари ғоят қизиқарли ўтди, деб бемалол айтиш мумкин.

**Мана улар:**

**«Арсенал» (Англия)** — «Реал» (Испания) - 0:0

Биринчи учрашув — 1:0

«Ливерпуль» (Англия) — **«Бенфика» (Португалия)** — 0:2.

Биринчи учрашув — 0:1

**«Лион» (Франция)** — ПСВ (Голландия) — 4:0

Биринчи учрашув — 1:0

**«Милан» (Италия)** — «Бавария» (Германия) — 4:1

Биринчи учрашув — 1:1

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши кенгаш раисининг ўринбосари Михаил Петросянцга синглиси
**Софа ПЕТРОСЯНЦ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

12345